10295

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 31 январь, сешанба №14(21.777.) Сотувда эркин нархда.

Республика Вазирлар Маҳкамасида

ИСРОФГАРЧИЛИК ҲАЛИ КЎП

25 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Республика вазирликлари ва идоралари бўлимларида нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Комиссия кўрилаётган чораларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги туфайли, вазирликлар ва идоралар томонидан назоратнинг йўқлиги сабабли нефть омборлари хўжалиги ишини такомиллаштириш, уларни зарур ўлчов асбоблари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаётганини, бошқа камчилик ва нуқсонлар ҳам тугатилмаганини таъкидлади. Алоқа вазирлиги (вазир К. Раҳимов), «Ўзолмосолтин» уюшмаси (раиси Ш. Нажимов), Олмалиқ кон-металлургия комбинати (бош директори В. Сигедин), «Қизилқумкамбметалолтин» концерни (раиси Н. Кучерский), Ўзбекистон иккиламчи рангли металлар акционерлик жамияти (бош директор Р. Муҳаммадхўжаев) корхоналарида нефть маҳсулотларини нобуд қилиш ва ортиқча сарфлаш, шунингдек уларнинг сифатини бузиш ҳоллари аниқланди. Ўзбекистон металлургия комбинати (бош директор А. Анохин), «Махсус қотишма» республика бирлашмаси (раҳбари П. Мақсудов) корхоналарида нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улар нималарга сарфланаётганини назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Шу идораларга қарашли корхоналарни саралаб текширилганда 43 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилгани ва ортиқча сарфлангани, 120 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларининг сифати бузилгани маълум бўлди. 50 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларини ҳисобдан яшириш ҳоллари аниқландики, бу ҳол турли суиистеъмоллар учун шароит яратади.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида нефть омборлари хўжалигининг аҳволи ҳамон қониқарсиз. Бу ерда хўжаликлар нефть омборлари ва корхоналарининг 80 фоизи техник аҳвол ва ёнгинга қарши хавфсизлик чоралари борасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни саккиз ой давомида бартараф этмаган. Қорақалпоғистон Республикасининг айрим корхоналарида ҳам аҳвол шундай. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига нефть маҳсулотларидан фойдаланишда бузилишларга йўл қўйган шахсларнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш масалаларидаги бетайинлиги учун «Махсус қотишма» республика бирлашмаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директорининг ўринбосари В. Базаевни, «Ўзметкомбинат» ёнилги-мойлаш материаллари шўъбаси бошлиғи Н. Назаровни, иккиламчи қора металлар акционерлик жамияти автогаражи бошлиғи У. Зокировни, Алоқа вазирлигига қарашли учинчи автотранспорт корхонаси директори С. Одиловни вазифасидан бўшатиш тавсия этилди.

Комиссия мажлисида Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг энергия ҳосил қилишга, шунингдек ўз эҳтиёжларига ва ташишга ёнилги сарфини камайтириш, энергияни истеъмол қилишни назорат этишнинг автомат тизимини жорий этиш ишлари кўриб чиқилди. Тармоқ раҳбариятининг эътибори кўрилаётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди.

Ёнилги-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг 1994 йилдаги ишларига якун ясаш чоғида комиссия кўрган чоралар давлат йўли билан нефть маҳсулотларини етказиб бериш доирасида вазирликлар ва идораларнинг автотранспорт ишини барқарорлаштиришга имкон бергани таъкидлаб ўтилди. 50 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларининг исроф бўлишига чек қўйилди ва улар ишлаб чиқаришга сарфланди. Нефть маҳсулотлари ўрнига ёнилгининг бошқа турларидан фойдаланишга ўтиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 56 минг тоннадан кўпроқ автомобиль ёнилгиси тежаб қолинди. Шу билан бир вақтда газ, қозонхона-печ ёнилгиси, иссиқлик ва электр энергияси ҳамон кўп исроф бўлмоқда, ёнилги ресурслари қониқарли ҳисобга олинмаяпти. Бундай нуқсонларни тугатиш юзасидан тавсиянома берилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов сўзга чиқиб, ёнилги-энергетика ресурсларини тежашнинг сира кечиктирмай ҳал этишни талаб қиладиган долзарб муаммолари тўғрисида гапирди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов иштирок этишди.

(ЎзА).



Жиззах вилоятидаги истеъмолчилар тез орада шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилган аъло сифатли пахта ёғи оладилар. Бундай ёғни Жиззах пахта тозалаш заводи ҳузурида ташкил этилган «Жибри» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишлаб чиқаради. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда тайёрланган маҳсулотнинг намунаси жаҳон талабаларига мос келади. Британиядаги «Еурокомерц ЛТД» фирмаси харид қилган замонавий машина-ускуналар ўрнатиб бўлинди. Бу ерда ҳар куни 200 тонна чигит ишлаб, ундан 26 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Республикадаги энг эски пахта тозалаш заводи бўлган бу корхона 80-йилларнинг охирида фойда бермайдиган бўлиб қолди. Завод раҳбариятининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги янги иқтисодий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Барча машина-ускуналар янгиланди, таъмирланди ва созланди. Хом ашёнинг нобуд бўлиши ҳам анча камайди. Илгари аҳолига жуда арзон нархларда сотилган чиқитлар эндиликда иккинчи марта қайта ишланмоқда. 1993 йилнинг ўзидагина 600 тонна қўшимча тола олинди. Корхона таназзулдан чиқди, ишчиларнинг маоши кўпайди.

Ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш маъмуриятнинг асосий мақсадларидан биридир. Заводнинг катта ёрдамчи хўжалиги бу ишни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бу ерда 300 та қўй, 70 та қорамол боқилмоқда, катта майдонда сабзавот етиштирилмоқда. Ишчилар ёрдамчи хўжаликдан арзон нархда мунтазам сут, гўшт ва пиёз олишади. 140 ўринли профилакторий корхона меҳнаткашлари саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Суратларда: 1. Завод директори Раҳматулла Бўстонов ва Британия фирмаси вакили Али Али Солиҳ. 2. Корхонанинг пешқадам ишчиси Қудрат Бердиев.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

МАҲАЛЛА — БУ ВАТАНДИР!

Республикамизда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилганидан сўнг, маҳаллалар ҳаётига, уларнинг равнақига жуда катта эътибор билан қаралмоқда. Куни кеча Тошкентнинг Кукча даҳасида жойлашган «Исломобод» маданий маркази ўзгача тароват кашф этди. Бу ерга 28 январь куни республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг навбатдаги пленуми қатнашчилари тўпландилар. Шу куни Марказ биносида республикамиз маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган турли-туман маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмада Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган вилояти маҳаллалари, Тошкентдаги «Паризод» кичик корхонаси, Абдулҳай Тожиев номли маҳалладаги кичик корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

Айниқса, Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туманидаги 85-мактабнинг «Ҳидоят ва Муқаддас» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилган савдо кўргазмаси одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда намойиш қилинган ўқувчилар учун миллий либослар, халатлар, кўйлакчалар, дўппи ва чойшабларни кўриб, буларнинг ҳаммасини мактаб ўқувчилари тикишганига ишонгинг келмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мактаб директори Дилором Жавҳаровани суҳбатга чорладик.

— Бундан бир йил олдин 8-синф ўқувчиларидан 4 та қиз ишлаб чиқариш мураббийси Муқаддас Мирҳамидова раҳбарлигида уйда иш ўргана бошлашди. Қизларимиз тиккан тайёр кийимларни дўконлар билан шартнома тузиб топширамиз.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шукур Темуров жамғарманинг 1994 йилдаги иш фаолияти ва навбатдаги вазифалари ҳақида пленум иштирокчиларига гапириб берди. Маърузада республикамиз маҳаллаларида бир йил давомида қилинган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар, қишлоқ маҳаллаларини ободонлаштириш, аҳолиси учун қулай ижтимоий-маданий шароитлар яратиш борасидаги изланишлар ҳақида батафсил тўхталинди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ўтказилган «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» кўрик танловларининг якунлари эълон қилинди. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалласи биринчи ўринни, Жиззах шаҳридаги «Маданият» маҳалласи иккинчи ўринни, Урганч шаҳрининг Комилжон Отаниёзов номли маҳалласи учинчи ўринни олдилар. Қўқон шаҳрининг «Исфара ғузар» маҳалласи оқсоқоли Нуруллахон Абдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳридаги «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли Коримбой Сапарбоев, Тошкент туманининг Алишер Навоий номли маҳалласи оқсоқоли Эркин Ғуломов «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» деб топилди. Тафтиш комиссияси раиси М. Рихсиевнинг ахбороти тингланди.

Музокараларда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятларидан вакиллар сўзга чиқдилар. Умуман, жамғарма ишлари қониқарли деб топилди. Пленум қатнашчилари томонидан талайгина таклифлар билдирилди. Бозорларни жамғарма тасарруфига олиш, тиббий хизматни маҳаллаларга яқинлаштириш, маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқини ошириш, тил масаласини назоратга олиш, Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш шулар жумласидандир.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Бектош Раҳимов, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳотам Абдураимов, «Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Юсуф Шодиметов иштирок этдилар.

Зулайҳо СОБИТОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ШАРОИТ — ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг навбатдаги курултойи бўлди. Унда тармоқ касаба уюшмасининг бозор муносабатлари шароитидаги фаолияти ва меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Тармоқ касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Собитов ва бошқа сўзга чиққанлар касаба ташкилотлари вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари, янги иш жойлари барпо этиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва дам олишини уюштириш масалаларига қаратдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ЭЛГА ЭЛ ҚЎШИЛСА

Кўҳна ва навқирон Самарқандни маҳаллаларсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, бу масканлар азал - азалдан халқни бошқаришнинг энг таъсирчан усули ҳисобланган. «Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, — деган эди юртбошимиз Ислом Каримов. —Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйида ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда».

Биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1119 та маҳалла ташкил этилган. Кейинги пайтларда уларнинг ижтимоий турмушдаги роли ортиб бормоқда. Дарвоқе, 500 га яқин маҳалла банкларда ўзининг ҳисоб рақамига эга. 173 та маҳалла қошида турли хил кичик корхоналар ишлаб турибди. Улардан тушаётган даромад маҳалла аҳолисининг турмушини фаровон этишга сарфланмоқда.

— Корхона ва ташкилотлар, ҳокимликлар ёрдамида маҳаллаларни керакли жиҳозлар билан таъминладик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг раҳбари Абдулла Мелиев. — Бундан ташқари турли танловлар, мусобақалар, байрамлар баҳонасида маҳаллаларга гилам, телевизор, радио ва бошқа жиҳозлар совға қилинмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда кенг кўламда оммавий тадбирлар бажарилмоқда.

Абдулла ака ҳақ гапни айтди. Бугунги кунда маҳаллаларда 509 та ХДП ҳудудий ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 17 минг нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган. Айни пайтда бу ташкилотларда ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги 1994 йил ғолиби деб топган Пулимирзо маҳалласида бундай анжуман ҳақиқий байрамга айланди. Бошланғич ташкилот котиби Дониёр Вафоев ўз ҳисоботида маҳалла фаолиятининг барча қирраларига тўхталиб ўтди.

Хуллас, Самарқандда «Маҳалла» жамғармаси билан ХДП ташкилотлари ўртасида чинакам ҳамкорлик вужудга келган.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Мамлакатимизда

Хайрли ишлар

ЧЕВАРЛАР ҚУВОНЧИ

АНДИЖОН. Қорасув шаҳридаги пайпоқ тўқиш ҳиссадорлик жамиятида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга эътибор берилмоқда.

Олинган даромаднинг бир қисмини қишлоқларда янги иш ўринларини вужудга келтиришга сарфланаётгани кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Хусусан, Султонобод қишлоғида фойдаланишга топширилган тикувчилик цехи янги ишчи ўринларини вужудга келтиришда қўл келди. Ҳеч қаерда ишламайдиган 70 нафар аёл иш билан таъминланди. Улар алоҳида буюртма бўйича ишлашиб, 20 хилдан зиёд тикувчилик маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар. Шунингдек, корхонанинг «Тўхтагул» жамоа хўжалигида, Чимён қишлоғида очилган тикув ва тўқимачилик цехларида ишлаётган чеварларнинг ҳам қувончлари чексиз.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Тадбиркорлик

АРПА ЁРМАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

СИРДАРЁ. Гуруч заводи жамоаси шолини қайта ишлаш билан чекланмай, перловка — арпа ёрмаси тайёрлашга ҳам қўл урди.

Бугунгача 1311 тонна маҳсулот тайёрланди. Ҳозир бу тансиқ неъмат мактабгача тарбия муассасалари ҳамда ҳарбий қисмларга етказиб берилмоқда. «Илгари бундай маҳсулот Россиядан олиб келинарди. Эндиликда истиқлол туфайли мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Абдуҳамид Худойбердиев. — Маҳсулотни халқимизга етказиб бериш билан қисқа муддатда 264 минг сўм фойда олдик». Яқинда сирдарёлик саноатчилар маҳсулотидан тайёрланган таомлар ошхона ва ресторанларда ҳам дастурхонларга тортилди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ.

Ишбилармонлик

ТЕРАКЗОР — ЁҒОЧСОЗЛИК АСОСИ

ҒАЛЛАОРОЛ. Тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалигида теракдан ёғоч маҳсулотлари тайёрлашга асос солинди.

Бундан 8 йил аввал 15 гектар майдонда вужудга келтирган теракзордан 1,5 минг дона ёғоч тайёрланиб аҳолига сотилди. Шунингдек, хўжалик ҳудудида қад ростлаган чойхона, ҳаммом, музхона, савдо-дўконларини қуришда ҳам теракдан фойдаланилди. Хўжаликда ёғочни қайта ишлаш цехи ишлаб турибди. «Россиядан келтириладиган ёғочларга эҳтиёж қолмаяпти, — дейди хўжалик раҳбари Т. Худоёров. — Келажакда ёғочдан қурилиш материаллари тайёрланадиган қўшма корхона ҳам барпо этиш мўлжалланган. Бу йил яна 15 гектар ерга тез етиладиган терак ниҳоллари ўтказилади. Айни пайтда хўжалигимиз ҳудудидаги ҳар бир хонадон аҳли яхши ният билан томорқасига, йўл ёқасию ариқ бўйларига терак экмоқда. Хўжалигимизда эшик ва деразалар ясаш бўйича ҳунармандчиликка кенг йўл очилади».

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ҚУРУВЧИЛАР — ПАРТИЯ АЪЗОСИ

«Ўзавтоқурилиш» трестига қарашли Сирдарё вилоят қурилиш бошқармаси илғор меҳнат жамоаларидан ҳисобланади. Унга ХДП аъзоси партиянинг обрўли фаолларидан бири Акромҳожи Тиллабоев раҳбарлик қилади. Акромҳожи Тиллабоев яқинда бўлиб ўтган сайловларда ХДПдан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланди. Бу эса меҳнат жамоалари, аҳоли ўртасида партиямиз нуфузининг ўсиб бораётганидан далолатдир. Яқинда мазкур вилоят қурилиш бошқармаси бошланғич ташкилотида бир гуруҳ қурувчилар ХДП аъзолигига қабул қилинди. Улар орасида электр пайвандчи Э. Ҳолбоев, бош механик А. Вафоев ва сувоқчи Б. Каримовлар бор. Бошланғич ташкилот котиби М. Тўраевнинг таъкидлашича, улар партия аъзоси бўлишга лойиқ топилган муносиб кишилардир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хорижда

РАСМИЙ ТАШРИФ

Швеция ташқи ишлар вазири Лена Хьелм-Валлен амалий ташриф билан Литва пойтахти Вильнюсга келди. У сафари давомида Литва ҳукумат раҳбарлари билан учрашади. Учрашувларда Европа Иттифоқини кенгайтириш, Литванинг мазкур ташкилот билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб оладилар.

ШАХТЁРЛАР ТАЛАБИ

Приморье кўмир саноати марказининг кончилари ўлка маъмуриятидан уч ойдан буён тарқатилмаётган маошларини беришни талаб қилмоқда. Кончилар маъмуриятни огоҳлантириб, агар 30 январгача талаблари бажарилмаса, кўмир қазиб чиқаришни тўхтатишларини маълум қилган.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАЛОК БЎЛМОҚДА

Псков телевидениесининг кинооператори Валентин Янус президент Дудаев саройи ёнида мерган ўқидан ҳалок бўлди. У Чеченистонда уруш бошлангандан буён, ўз хизмат вазифасини ўтаётиб нобуд бўлган тўртинчи журналистдир. Ўтган йилнинг 22 декабрида Грознийда АҚШлик фотожурналист аёл Синтия Эльбаум ҳалок бўлган эди. 1 январга ўтар кечаси «Красная Звезда» газетасининг махсус мухбири, полковник Владимир Житаренко, 10 январь куни эса «Штерн» немис ҳафталиги мухбири Йохен Пист мерган ўқидан қурбон бўлган эдилар.

ТИМСОҲЛАР ТАЖОВУЗИ

Замбиянинг Ндола шаҳри яқинидаги қишлоққа тимсоҳлар ҳужум қилди. Сўнгги бир ҳафта мобайнида тажовузкор тимсоҳлар 10 кишини чавақлаб ташлаган.

Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, қишлоқликлар тимсоҳлар қутқусидан қўрқиб, фавқулодда зарур ҳолларда ҳам Луфваньяма дарёси яқинига йўлашга журъат қилолмаётир. Қишлоқ оқсоқоллари қуролланган махсус овчилар юборишни сўраб ҳукуматга бир неча бор мурожаат қилди. Бироқ ҳозирча уларнинг сўрови жавобсиз қолмоқда.

ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Австриянинг «Остерайхиши Хильфсерк» жамғармаси Қирғизистон Президентининг рафиқаси Майрам Акаева бошқараётган «Мээрим» оналик ва болаликни муҳофаза қилиш халқаро жамғармасига бир ярим миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бу маблағни болалар касалхоналарига замонавий тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармон харид учун сарфлаш кўзда тутилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мулоҳаза, таклиф

МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ

Мустақиллик халқимизнинг бой маданияти ва маънавиятини тиклашга замин яратди. Истиқлол туфайли халқимизда руҳий уйғониш юз берди. Маълумки, ўзбек халқининг маданияти ранг-баранг ва жуда қадимий. Унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Европа халқлари илму фан ва маданият соҳасида муайян ютуқларга XV—XVI асрларда, яъни уйғониш даврида эришган бўлса, бизнинг халқимиз эса ундан бир неча аср илгари, яъни IX — XIII асрлардаёқ фан ва маданият тараққиётининг энг юқори чўққиларини забт этган эди. Шунинг учун ҳам Шарқ уйғониш даври Ғарбий Европа халқларининг уйғониш даврини юзага келтирди, унга пойдевор, замин бўлди десак ўринлидир.

Афсуски, кейинги 130 йил давомида Ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олингандан кейин халқимиз тараққиётида кескин узилиш вужудга келди. Мустамлакачилар ўзларига нисбатан маданий-маънавий жиҳатдан юқори даражада турган халқлар устидан ҳукмронлик қилиш ниятида маҳаллий халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналарини оёқ ости қилишди, илдизига болта уриб, маънавий манқуртликни жорий этишга уриндилар.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятининг ривожланиши бир текис кечган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилиш, уйғониш даври ҳам, аксинча, тушкунлик даври ҳам бўлган. Буни биз халқимизнинг Октябрь инқилобидан кейинги қисматида яққол кўришимиз мумкин. Шўролар мамлакатида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида рўй берган ижтимоий адолатсизлик ва бузилишлар, маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқариш усуллари жамият тараққиётига ҳар тарафлама салбий таъсир қилганини эътироф этмасдан ўтиб бўлмайди. Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўймоқда. Мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда шиддат билан туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Маданият соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратмоқда. Президентимиз қайд қилганидек, «халқимизнинг миллий онги, ғурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда». Миллий онг ва уни англаш ҳар бир кишидан ўзининг қайси миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одати, миллий тили моҳиятини тўғри, ҳар тарафлама чуқур билишни талаб этади. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий онги барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий ўзликни англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаймиз. Бу эса миллий сиёсатнинг етакчи омили ва шу билан бирга миллий қадриятлар, манфаатларни ҳимоя қилувчи асосий қурол сифатида намоён бўлади.

Мустақил давлатимиз Конституциясида ёзиб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». (4-модда). Фикримча, ҳозирги кунда ижтимоий фанлар соҳасида ишлаётган олимларнинг асосий вазифаси — мустақилликнинг ҳамма жиҳатларини илмий ишлаб чиқиб, халқимизнинг онги, дунёқарашини истиқлол ғоялари асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини оширишдан иборат. Бу эса зиҳ мавсумий тарзда эмас, балки изчил равишда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифадир. Гап шундаки, биз олимлар мустақиллик ғояларини тарғиб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, истиқлол учун халқимизнинг узоқ йиллар давомида олиб борган курашлари, собиқ СССР парчаланиб кетгандан кейин Президентимиз томонидан дадиллик билан амалга оширилаётган ишлар, мустақилликнинг моҳияти ва асосий мақсади, унинг иқтисодий, ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий асосларини таъминлаш йўллари, бу борада қилинган ва ечимини кутаётган муаммоларни чуқур ва атрофлича асослаб берадиган салмоқли илмий асарлар яратмоғимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, бу асарлар халқимиз орасида мустақиллик дарслиги вазифасини ўтасин.

Мустақиллик ўзининг мазмуни ва олижаноб мақсадлари билан инқилобий моҳиятига эга тарихий воқеадир. Уни ҳар томонлама тасвирлаб, тавсифлаб бериш олимларимизнинг вазифаси эмасми?Бу борада ҳам Президентимиз намуна бўлиб келяпти. Хўш, бизлар-чи? Фикримизча, Фанлар академияси қошида ижтимоий фанларнинг забардаст олимлари ҳамкорлигида мустақиллик масалаларини илмий ишлаб чиқадиган гуруҳ тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Давлат назоратида бўлиб, ундан ҳар томонлама кўмак олиш имкониятига эга бўлган бу гуруҳ томонидан нашр этилган илмий асарлар ғоялари ҳар бир фуқаронинг онгига қанчалик тез сингиб, ҳаётда илдиз отса, жамиятимиз шунчалик тез ривожланишини эсдан чиқармаслик керак.

Бизнингча, ҳозир умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар туркумини ҳам қайта ўрганиб, уларни истиқлол ғоялари асосида мазмунан янгилаш вақти келди. Ҳозирги ўқув дастурлари ва ўқув муассасалари собиқ ижтимоий-сиёсий тузум манфаатига қаратилган бўлиб, унга астойдил хизмат қилди.

Шунинг билан бир қаторда ижтимоий фанлар туркумини ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиб, мазмунан янгилашимиз зарур. Чунки ҳозиргача бу фанлар тизими эски қолипдан чиққани йўқ. Фикримизча, ижтимоий фанларни, шу жумладан, фалсафани янгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилмоқ мавриди келди:

Маълумки, ўтмишда фалсафа фани маъмурий-буйруқбозлик тизимининг сиёсати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, ўзининг фан хусусиятини аста-секин йўқотиб, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватловчи ва тарғиб қилувчи асосий мафкуравий ғоялар йиғиндисига айланиб қолган эди. Эндиликда биз фалсафани сиёсийлашмаган мустақил фан сифатида ривожлантиришимиз зарур. Бунинг учун энг аввало, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган расмийлашган мафкуравий ғоялардан воз кечиб, янги тафаккур асосида уни синфий ва партиявий таълимот сифатида эмас, балки умуминсоний қадриятларга жавоб берадиган фан сифатида ривожлантиришимиз керак. Шунингдек, унинг назарий асосларини ҳам қайта кўриб чиқиб, уларни янги ғоялар билан бойитишимиз лозим.

Фалсафанинг асосий негизини диалектика назарияси ташкил этади. Шундай экан, уни ижодий ривожлантириб, ҳозирги давр талабларига мувофиқлаштириб, умуминсоний даражасига кўтариш керак. Ўтмишда у турлича фалсафий таълимотларда шаклланиб ва ривожланиб келган. Диалектика ҳозирги вақтда ҳам жаҳон фалсафасида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда биз диалектикани марксча-ленинча фалсафанинг назарий асоси сифатида эмас, балки умуминсоний қадриятлар даражасидаги фан сифатида ривожлантиришимиз лозим.

Янгиланган фалсафа фани умуминсоний қадриятлар устиворлигини эътироф этиш билан бир қаторда Шарқ мутафаккирларининг кўпгина асарларида ривожлантирилган ғояларни чуқур ва атрофлича очиб бермоғи керак. Марксча-ленинча фалсафа Ғарбий Европада вужудга келиб, Россия халқларининг эҳтиёжларига мослаштирилган фалсафа эканлиги ҳаммамизга аён. Унда Ўрта Осиё халқларининг бой фалсафий қарашлари ўз аксини топмаган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий халқларимиз ислом таълимоти ва ислом фалсафасидан баҳраманд бўлиб келган эди. Эндиликда асосий вазифамиз — ўз халқимиз тафаккурига мос ва яқин Шарқ фалсафасидан бекаму-кўст фойдаланган фанни бунёд этишдан иборат.

Ўтмишда марксизм-ленинизм таълимотидан келиб чиқиб, биз олимлар кўп йиллар мобайнида фалсафанинг асосий вазифаси — дунёни изоҳлабгина қолмасдан, уни қайта қуришдан иборат деб келдик. Ислом таълимоти эса аксинча, инсоннинг ички дунёсини, унинг маънавий камолотини шакллантиришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида инсон қалбида яшаб келаётир.

Маълумки Ўрта Осиё халқларининг фалсафий дунёқарашлари хилма-хиллиги ва сермазмунлиги билан ажралиб туради. Улар кўп қиррали миллий маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизда ахлоқ-одоб, имон-эътиқод ва бошқа олижаноб фазилатларимизда мужассамлашган. Шундай экан, янги фалсафамизда миллий маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий меросларимиздан, айниқса, ислом таълимотидан, ундаги қимматбаҳо фалсафий фикрлардан унумли фойдаланмоғимиз керак.

Мана шу асосий тамойиллар негизида фалсафа фанини мазмунан янгилашимиз керак. Ана шундагина бу фан ёш авлодни баркамол ва фидоий инсон қилиб тарбиялашда қудратли маънавий кучга эришади.

Эндиликда биз маданият ва маънавият масалалари билан шуғулланадиган барча вазирликлар ва идоралар ҳамкорлигида, Фанлар академияси олимларининг иштирокида жамиятимизни маънавий қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқишимиз керак, деб ўйлайман. Бу дастурда аввало ёш авлод тарбияси масаласи, бозор муносабатлари туфайли чет эллардан кириб келаётган халқимизнинг миллий удумлари ва шаънига зид келувчи видео ва бошқа бадиий асарларнинг салбий таъсирига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланиши лозим.

Ёш авлоднинг маънавий камол топишида, миллий қадриятлар ва анъаналаримиз асосида тарбиялашда илму ислом таълимотидан унумли фойдаланмоғимиз шарт. Ислом дини фалсафасининг энг афзаллик томонларидан бири шундаки, унинг ғоялари инсоннинг ички дунёси, ички кайфияти, маънавиятини шакллантиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам у кишиларнинг қалбида чуқур илдиз отиб кетган. Ислом таълимотида ҳар бир кишининг умр бўйи амал қилиши керак бўлган қоидалар ўз аксини топган. Масалан, битта шариатнинг ўзида Ислом дини тарафидан буюртирилган 934 ҳукм ва низом ифодаланган. Уларнинг ҳар бирида инсоннинг маънавий камол топиши учун зарур бўлган олам-олам ҳикматлар мавжуд.

Мустақиллик халқимизнинг маънавий юксалишига катта йўл очиб берди. Ўз навбатида маънавият мустақил давлатимиз пойдеворини мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатиб келмоқда. Маънан бой, руҳан кучли ўзбек халқининг келажаги порлоқ эканлиги шак-шубҳасиз!

Жондор ТУЛЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси.

Партия фаоллари фаолиятидан

ЭЛ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙДИ

Нормуроджон идора олис бўлмагани учун ҳам машинани кутмади, яёв йўлга чиқди. Қиш қишлигини қилаяпти, изғирин унинг юз-кўзини ялайди. «Қор келса керак. Нима бўлганда ҳам даладагиларга, айниқса, чорвадорларга қийин. Ҳозироқ «Неъмат» ҳиссадорлик жамиятига, сўнг далада шўр юваётганлар ёнига боришим керак. Ахир: « Ҳа деган туяга мадад» деганлар.

Нормурод Нарзуллаев 40 ёшдан ошибдики, Вобкент туманидаги Ал-Бухорий номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби, эл ташвиши билан яшайди. Туманда катта обрўга эга. Уни шу ёшга, обрў-эътиборга сазовор қилган ҳам катта оила ҳисобланган тумани, унинг меҳнатсевар халқидир. Университетни битириб қайтгач, аввал мактабда, кейин райкомда, туман радиосида, сўнг... Иш фаолияти давомида яхшилардан кўп нарсани — одамийлик, инсонпарварлик, кўп билан тиллашишни ўрганди.

Котиб аввал «Неъмат» ҳиссадорлик жамиятига, кейин сувчилар олдига келиб, улардан ҳол-аҳвол сўради. Ҳиссадорлик жамияти раиси тадбиркор инсон. У ХДП аъзоси Иззат Самандаровнинг ташкилотчилигидан одамлар бошини бир ерга қовуштира олганлигидан хурсанд бўлди. Фермани ҳиссадорлик жамиятига айлантиришга бош-қош бўлганда котиб ҳам, мудир ҳам асосан партия аъзоларига таянишганди. Етти нафар ХДП аъзоси жамоани янгича ишлашга, мулкка муносабатни ўзгартириш кераклигига даъват этишди. Натижа яхши. Бултур барча режалар ошириб бажарилди. 237 бош урнига 258 бош қўзи олинди. Ҳар бош соғин сигирдан 39 килограмм кўп сут олинишига эришилди. Ёки режадаги 565 тонна урнига 589,9 тонна сут, 12 тонна урнига 18 тонна гўшт тайёрланди.

Айни кунларда ҳам чорвадорлар кайфияти яхши. Маҳсулот худди ёздагидай мўл. Буни улар хусусийлаштириш самараси, деб билишяпти.

Котиб йўл-йўлакай кам таъминланган оилалар ҳолидан ҳам хабар олди, халқ таълими бўлимидагилар, қишлоқ дўконлари сотувчилари билан суҳбатлашди. У кишиларга яхши сўз, меҳр билан мададкор бўлиш даркорлигини ҳис қилади. Каттаю кичикка эътиборли бўлиш унинг эътиқоди пойдеворига айланган.

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши биринчи котиби Шавкатилло Ярашев билан хўжаликда бўлганимизда котибни анча кутишимизга тўғри келди. Котиб билан суҳбатлашиш мароқли, дунёқараши кенг.

— Ҳозир қуруқ гап, сохта ваъданинг вақти эмас, — дейди у. — Халқнинг иқтисодини, ҳаётини ўйлашимиз керак. Шунинг учун раҳбармиз. Мурожаат қилган фуқароларнинг қувонч-ташвиши билан ҳисоблашмайдиган раҳбардан эл юз ўгиради.

Котибнинг гапида жон бор. Утган йили хўжаликдаги 4 та қишлоқ тўлиқ газлаштирилди. Ичимлик сув муаммоси ҳал этиляпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида анча ибратли ишлар қилинган. Утган йил ҳар бир ишловчига 15 килограммдан пахта ёғи, гўшт, дон, чорва озуқаси арзон нархларда, яқинда 700 ишчи-ходимга 2 килограммдан гўшт текин берилди. 16 нафар уқувчи оёқ кийим билан таъминланди. 20 га яқин ночор оилага ун, ёғ, гуруч, гўшт доимий равишда берилмоқда.

Меҳнатни ташкил этишнинг ижодий усулларидан фойдаланиш кишилар учун оз эса-да, мадад бўлмоқда. Шудгорлаш илғорларига бир бошдан бузоқ, режани илғорлар қаторида бажарган бригада аҳлига мукофотга қўй берилди. Хуллас, ҳаммасида котиб бошлиқ ХДП аъзолари меҳнати, ҳиссаси бор.

Шуни таъкидлаш керакки, партия ташкилоти ёшлар ҳисобига мустаҳкамланиб боряпти. Бултур 9 киши ХДП сафига қабул қилинди. Карим Шукуров, Зубҳон Зиёдуллаев, Ахтам Раҳматов, Олим Ҳайитов, Амрулло Тўхтаев, Жаббор Ҳусенов сингари партия аъзолари етакчининг ҳамкоридирлар, Шуҳрат Рустамов, Исо Исомов, Бозор Ҳожиев, Муборак Файзиева, Озода Исмоиловалар тарғибот-ташвиқот жонкуярлари. Улар — илғорлар. Фаоллар бор экан, ислоҳотлар дадил одимлайверади.

Даврон БАҲРОНОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз туманида «Турон» ўзбек-турк қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларни бера бошлади. Бу ерда гилам, трикотаж ва тиқувчилик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир янги фирма жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш учун замонавий урфдаги буюмлар яратиш йўлида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айни пайтда хорижий ускуналар ўрнатилиб, бир неча мутахассис чет эл фирмаларида касб маҳоратларини ошириб қайтдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Гилам тўқиш цехи бошлиғи Баҳодир Алпомишов. 2. Фирма директори Пўлат Алпомишов ва туркиялик мутахассис Қилич Абдулло маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Хўжаев (ЎзА) олган суратлар.

Бунисига нима дейсиз?

«ИЕ, РАИСНИНГ МОЛИ-КУ!..»

Бувайда тумани хўжаликларида ўтган йили 3650 гектар ерга бошоқли дон экинлари экилди. Бу албатта ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қилинган ибратли иш. Бироқ, текис униб чиққан майдонларни сақлаб қолиш,, нобудгарчиликка йўл қўймаслик масаласида иш кўнгилдагидек дея олмаймиз..

Буни тумандаги кўплаб экинзорларга мол-кўй қўйиб юборилаётгани, бўғдойзорларнинг чорва моллари туёқлари остида пайхон бўлаётганидан ҳам кўриш мумкин. Туман прокуратураси маълумотларига қараганда, Президентнинг экинларни пайхон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги фармони қабул қилингандан буён ўтган давр ичида 124 нафар фуқарога нисбатан шахсий чорва моллларини экинларга қўйиб юборib, пайхон қилдиргани учун маъмурий чоралар кўрилган. Айниқса, «Бувайда», «Дўстлик», «Оққўрғон», А. Алиқулов номли, Навоий номли жамоа хўжаликларида мол-қўйлар галлазорларни кўплаб пайхон қилди. Тўғри, махсус кузатувчилар томонидан ушланган мол-қўйларнинг эгаларига маъмурий чоралар кўрилиб, жарималар солиняпти. Афсуски, ҳатто шу масалада ҳам юз-хотирчилик, таниш-билишликка йўл қўйилаётганлиги кишини таажжублантиради. Бир мисол: аниқланган фактлар бўйича Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига 26 нафар фуқарога уларнинг шахсий чорва моллари жамоа экинзорларини пайхон қилинганлиги учун чора кўришни сўраб тегишли ҳужжатлар юборилганди. Аммо маъмурий комиссия негадир 16 нафар фуқарога 50 сўмдан жарима солиб, 10 нафарини огоҳлантириш билан чекланган. Ҳолбуки, улар ҳам тегишли тартибда жарима тўлашлари лозим эди.

Албатта, қўл остидагиларга талабчан бўлиш учун хўжалик ёки фуқаролар йиғини раҳбарининг ўзи намуна бўлмоғи даркор. Ҳаммада ҳам мол — қўй бор. Бироқ раҳбарнинг моли ҳам экинларни пайхон қилиб юрса-чи? Яқинда далани пайхон қилиб юрган молни ҳайдаб келаётган кузатувчини кўриб қолган бир киши ҳовлиқиб унга ташланибди:

— Ҳай-ҳай, эсинг жойидами? Булар раисимизнинг моллари-ку!

— Йўқ, — бўшашади кузатувчи, — раисмиз жамоа хўжалиги бўғдойзорига молини қўйиб юбормасов...

Ҳа, Бувайдада шундай антиқа ҳолларни ҳам учратасиз. Тумандаги «Оққўрғон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Каримжон Йўғиталиев, шу хўжалик бош ҳисолоти Б. Мелибоев, Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Б. Раҳимов, Қўрғонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Ҳолиқов ва бошқа аллақанча катта-кичик раҳбарларнинг бири-биридан ҳўра мол-қўйлари экинзорларни топтаб булажак ҳосилни нобуд қилиб юрганда кузатувчилар қўлига тушди. Сизлар фуқароларга қанақа ибрат кўрсатяпсиз, раис акалар?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тиббиёт

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШГАНДА

САМАРҚАНД. Кўз касалликлари шифохоналари ҳамшираларининг бу галги танловида мукофотдан ташқари, ғолибларнинг касб тоифалари ҳам оширилди.

— Чунки асосий танловгача улар кўп меҳнат қилдилар, — дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош ҳакими Бахтиёр Саидов. — Беллашувларда 100 га яқин ҳамшира қатнашди. Танловда ҳамширалар фақат касб маҳоратларинигина эмас, балки инсоний фазилатлари, иқтидорларини ҳам намойиш этдилар. Нуфузли ҳайъат аъзолари оқтошлик С. Абдуллаевани энг яхши шафқат ҳамшираси ва беллашувнинг ғолиби, деб топди.

Фармон ТОШЕВ.

Ҳамкорлик

ҚАРС — ИККИ ҚЎЛДАН

НАМАНГАН. Шойи газламалар бирлашмаси билан Наманган туманидаги «Ижодкор» илмий-ишлаб чиқариш тажриба деҳқончилик саноат фирмаси жамоаси ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Фирма тўқимачиларга пахта хом ашёси етказиб беради. Тўқимачилар эса шу тола эвазига уларни газлама билан таъминлайди. Агрофирмада яратилган янги дурагай нав ҳосилидан олинган толанинг саноатбоплиги эндиликда юқори сифатли газламалар тўқишда қўл келяпти.

Раҳимжон ИРИСОВ.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШЯПТИ

Жалолқудуқдаги 152-автокорхона туман аҳолисининг талаб-истаклари асосида ташкил этилганди. Шундан бери беш йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Автотранспортчилар ишончни оқлаб келмоқдалар.

Энг муҳими, автокорхонада ишчанлик муҳити яратилган. Ҳар ким меҳнатига яраша моддий ва маънавий рағбатлантирилаётир. Туман ичида йигирмага яқин йўналишда кунига икки юз минг сўмлик автобус хизмати кўрсатилмоқда. Ҳатто туман марказидан қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Қорасув шаҳарларига ҳам мунтазам автобус қатнаб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Андижон нақлиёт бирлашмаси, туман ҳокимлиги томонидан автотранспортчилар хизмати назорат қилиниб, амалий ёрдамлар берилади. Шу ўринда қуйидаги мисолни келтириш кифоя: ўтган йили кузда янги бошбекат қурилиб, ишга туширилди. 5 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бу маскан «Тошкент — Бишкек» халқаро йўл автотрассаси бўйида қурилди. Бунинг учун икки миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди. Ҳатто бошбекатда йигирмага яқин савдо шаҳобчаси барпо этилди. Эндиликда бошбекатда Андижон вилоятининг маркази, Хонобод шаҳри ва Қирғизистоннинг Жалолобод, Ўзган, Қорасув шаҳарларига бораётган автобуслар ҳам тўхтаб ўтмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг оталиғида Ойим қишлоғида янги бошбекат қурилмоқда. Бу иш асосан ҳашар йўли билан хусусий дўкон эгаларининг маблағи эвазига қилиняпти. Ойим қишлоқ бошбекати қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилади. Амалий ёрдам автотранспортчиларни астойдил ишлашга руҳлантирмоқда.

Сафарали АБДУРАҲИМОВ.

Инсон омили

КЎПГА СУЯНГАН КАМ БЎЛМАС

Дўстлик дон маҳсулотлари комбинати директори Саидилҳом Саидраҳмонов вилоят кенгаши депутати этиб сайланди-ю, юмушлари аввалгидан ҳам ошди.

Айни пайтда у бошқараётган корхона маҳсулотларига талаб катта. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Бу эса жамоа аҳлининг ун ва омухта ем ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни талаб этмоқда. Энг муҳими, корхона жамоасининг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш билан бирга фарзандлар тарбиясига ҳам етарли эътибор берилаётир. Буни биз корхона раҳбарининг ушбу сўзларидан ҳам билсак бўлади:

— Ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинган: меҳнат аҳли замонавий турар жой биноларида истиқомат қилаётир. Ўтган йили тўртта икки қаватли турар жой бинолари ва йигирмата коттеж қад ростлади. Улар биринчи навбатда кўп болалик оилаларга, ишлаб чиқариш илғорларимизга тақсимланди.

Бугунги мураккаб пайтда бу ерда ишчи-хизматчилар яхши ишлаб, яхши яшамоқдалар. Ҳар бир ишчи ойига ўртача 1000-1200 сўмдан маош оляпти. Жамоа ошхонасининг таомлари арзонлаштирилган. Ишчи-хизматчиларга вақти-вақти билан имтиёзли ун, омухта ем бериб турилибди.

Корхона пулига қурилган замонавий боғчада 400 нафардан зиёд кичкинтой тарбияланаяпти. Жамоада ишлаётган отаоналар муайян имтиёзлардан баҳраманд. Уларнинг мушкулини осон қилиш учун тегишли қулайликлар яратилган. Бу ерда ошхона, чойхона, сауна ишлаб турибди. Жамоа ўзининг бадиий ҳаваскорлик тўгарагига эга. Корхона учун ажратилган автобусда ишчилар тез-тез саёҳатларга чиқиб туришади. Кўпчилик корхона ҳисобидан бепул йўлланмалар билан оромгоҳ ва курортларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтишаётир.

— Жамоа ўртасида соғлом маънавий муҳит, ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтириш кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ, — дейди ишчи Икром Суюнов. — Бу жиҳатдан бизнинг омадимиз чопган. Директоримиз ёш, ғайратли, меҳнатсевар. Бошқалардан ҳам шундай бўлишни талаб қилади. Яхши ишлаганни сийлайди, рағбатлантиради.

С. Саидраҳмонов ўтган сайловда туман Кенгаши депутатлигига сайланган эди. Халқ вакили сифатида хайрли ишларга бош қўшди. Унинг ташаббуси билан Дўстлик шаҳридаги Холхўжаев, Темирйўл, Лермонтов ва Ойбек кўчалари таъмирланди, 40 дан ортиқ хонадон марказий иситиш тармоғига уланди. Корхонани ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ният холис бўлса қийинчиликлар чекиниб, ютуқлар кўпаяверади. Корхона бир кеча-кундузда 315-350 тонна атрофида донни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳар ой истеъмолчиларга 6-7 минг тонна ун етказиб берилмоқда. Даромадга қараб буромад деганларидай тушган фойданинг бир қисми ишчи-хизматчиларнинг ҳаётий эҳтиёжига сарфланаётир.

Ҳозирги иқтисодий тақчилликка қарамай кексалар ва муҳтожларга хайрия ёрдами кўрсатилмоқда. Тумандаги боқувчисини йўқотган ногиронлар ва уруш қатнашчиларига яқинда ун ва чорва озуқаси бепул берилди.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ.

Тажрибакорлар ҳузурида

ҚИШЛОҚ САВДОСИ — ИСЛОҲОТ ЙЎЛЛАРИДА

Сирдарё вилоят ҳиссадорлик матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Абдураҳмон Солиев билан суҳбат

Суҳбатдошимиз Абдураҳмон Солиев қарийб беш йилдан буён вилоят матлубот жамиятига раҳбарлик қилаётир.

Унинг раҳбарлигида вилоят ҳиссадорлик матлубот жамиятлари уюшмаси республикамиздаги илғор савдо ташкилотларидан бирига айланди. Шу боис ҳам республикамизнинг турли жойларидан бу ерга тажриба ўрганиш учун келиб-кетмоқдалар. Мухбиримизнинг Абдураҳмон Солиев билан суҳбати ана шу тажрибалар хусусида ва вилоят матлуботчилари олдида турган муҳим вазифалар ва шу куннинг муаммолари устида борди.

— Абдураҳмон Солиевич, аввало вилоят ҳиссадорлик жамиятлари матлуботчиларининг бугунги шароитлари, аҳволларини қисқача таърифлаб ўтсангиз.

— Матлуботчиларимиз вилоят аҳолисининг деярли 70 фоизига савдо хизмати кўрсатадилар.

Ўтган йили вилоятимиз аҳолисига жами 224 миллион 982 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шу туфайли йилнинг 9 ойлиги якунларига кўра 14 миллион 683 минг сўмлик соф даромад олдик. Ана шу ишлаб топилган фойданинг 2 миллион 340 минг сўми ишлаб чиқаришдан, 702 минг сўми эса қишлоқ хўжалиги соҳаларидан эканлиги эътиборга лойиқ. Рентабеллик, яъни фойдалик даражаси чакана савдода 8,4 фоизни, умумий овқатланиш соҳасида 12,58 фоизни, ишлаб чиқаришда эса 16,58 фоизни ташкил этди. Ана шу кўрсаткичларимиз учун «Ўзбекбирлашув» бўйича тўққиз ойлик якунларига кўра республикада биринчи ўринни олдик, жамиятимиз эса ана шу энг юқори ўрин учун 40 минг сўм пул билан мукофотланди. Айтгандай, биз уч йилдан бери сурункасига республикамизда юқори ўринларни қўлда сақлаб келмоқдамиз. Йил якунларига кўра ҳам шундай натижаларга эришдик.

— Сир бўлмаса, фойдалар асосан нималар ҳисобидан келаётир?

— Бундан ташқари банклардан кредит, яъни қарзлар олишни ҳам маълум даражада камайтиришга эришдик. Уларнинг ўрнига ўз пулларимизни оборотга, яъни айланишга қўймоқдамиз. Акциялар ҳисобига иқтисодимизни мустаҳкамлаш чораларини кўраётирмиз.

Шунингдек, ортиқча ишчи ўринларини қисқартириш ҳисобига чиқимларни камайтираётирмиз. Ишлаб чиқариш борасидаги ўринларни эса кўпайтираётирмиз.

— Савдо — товарсиз бўлмайди. Фойда ва зиёнлар ҳам асосан шулар туфайли. Ҳозирги оғир ва масъулиятли дамларда аҳоли эҳтиёжини қоплайдиган товарларни топиш муаммолари қандай ҳал этилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам товар бўлса — савдо ҳам бўлади. Одамларнинг кўнглини оламиз, вилоятимиз иқтисодининг соғлом ҳаракатланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Президентимизнинг республикамизда савдо-сотиқни эркинлаштириш борасидаги Фармонлари, ҳукуматимизнинг бу борадаги тадбирларидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак.

Савдони эркинлаштириш — бу биринчи галда мустақил ҳаракатга йўл очиш. Жумладан, вилоятимизга матлуботчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли марказлашмаган ҳолда мавоза, яъни бартер йўли билан умумий товароборот ҳажмининг 40 фоизи миқдорида маҳсулот олиб келиб, аҳолига сотишга муваффақ бўлдик.

Иккинчидан эса, ўз ички имкониятларимиздан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётирмиз. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, умуман ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Ҳамдўстлик мамлакатлари билан илгариги иқтисодий алоқалар узилган бўлсада, лекин биз халқимиз манфаатлари йўлида уларнинг талаблари асосида ташкил этишга уринаётирмиз. Шу мақсадда Омск, Уфа, Иркутск вилоятларида ўтган йили жами тўртта савдо уйларини очдик. Мазкур савдо уйларида биз ўзимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган консервалар ҳамда эҳтиёжларимиздан ортиб қолаётган ёки ўтмаётган маҳсулотларни олиб бориб сотамиз. Тушган маблағларга эса биринчи галда озиқ-овқат маҳсулотлари, гугурт, ўқув қуроллари, дафтарлар, қурилиш ва бинокорлик материалларини олиб келаётирмиз. Биз ана шундай савдо уйини Чимкент вилоятида ҳам очдик.

— Демак, бундан буён ҳиссадорлик матлубот жамиятлари ўз ишлаб чиқаришларини ривожлантириш ва ўз товарларига эга бўлишга катта эътибор беришар эканда?

— Энди буларсиз эртанги кунимизга қадам қўйиш мумкин эмас.

Вилоятимизда ҳозир бизга қарашли 11 та ишлаб чиқариш корхонаси бор. Уларда 9 та асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўтган йили биз ўз корхоналаримизда 20 миллион 174 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган эдик. Амалда эса 46 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилди.

Ўтган йили ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида катта бурилиш ясадик. Шунинг учун ҳам умумий товароборотда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 20,5 фоизни ташкил этди. Бунга эса қатор янги корхоналар, цехлар барпо этиш, уларда халқимиз учун ҳозирги кунларда зарур бўлган истеъмол молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали эришдик.

Биз ўтган йили ишлаб чиқаришнинг саноат тури, яъни халқ истеъмоли молларини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор бердик. Боёвут нон маҳсулотлари комбинати қошида шиша идишлар ва буюмлар ишлаб чиқариш цехи маҳсулот бера бошлади. Бу ерда 1994 йилнинг сўнгги уч ойи мобайнида 47 минг сўмлик фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Мирзаобод, Ховос, Боёвут туманлари ҳиссадорлик матлубот жамиятлари, Янгиер шаҳар ҳиссадорлик матлубот жамиятлари ўз тикув цехларини ишга туширишга эришди. Уларда ҳозир 12—15 турдаги тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режадан ташқари 846 минг сўмга кўпайтиришга муваффақ бўлдик.

— У ҳолда бу йилги режалар ҳам оз бўлмаса керак?

— Агар эртанги кунимизни ўйлаб гапирадиган бўлсак, бу ишларимизни хамир учидан патир, дейиш мумкин. Йил бошидаёқ Мирзаобод туманидаги «Мирзачўл» ширкатлар уюшмасида йирик нон заводи ишга туширилди. Корхона икки ўчоқ-қа эга. У тўла қувват билан ишлай бошласа, бир кеча-кундузда 20 тонна нон маҳсулотлари чиқарадиган бўлади. Йил охирига қадар Сайҳунобод туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасида ҳам худди шу каби заводни ишга туширишниятидамиз.

Халқимизнинг макарон маҳсулотларига бўлган талаби катта. Шуни ҳисобга олиб биз бу йил Гулистон, Сайҳунобод, Сирдарё, Боёвут, Шароф Рашидов туманларидаги нон комбинатлари қошида макарон ишлаб чиқариш цехларини очамиз ва маҳсулотнинг харид нархини анча камайтиришга ҳаракат қиламиз.

Сирдарёдаги йирик савдо базамиз қошида Тошкентдаги «Илғор» ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда тикувчилик цехини ташкил этаётирмиз. Цех йилнинг биринчи чорагида маҳсулот бера бошлайди ва қишлоқ аҳолиси эҳтиёжлари учун зарур бўлган 10—15 турдаги маҳсулотни тикиб чиқаради.

— Энди хусусийлаштириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари шохобчаларини давлат тасарруфидан чиқариб, хусусий мулк эгаларига сотиш борасида амалий чораларни кўрмоқдалар.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи бўйича ҳиссадорлик матлубот жамиятларида 22 та ёпиқ шаклдаги ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди. Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги Фармонидан сўнг иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтилди. Шундан сўнг биз 17 та ташкилотни тўғридан-тўғри очиқ ҳиссадорлик жамиятига ўтказдик. 39 та ташкилотимиз эса очиқ шаклдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ва ниҳоят, ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тизимдаги барча ташкилотлар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Ҳозир 10 та савдо ташкилотларимиз республика Молия вазирлигида қимматбаҳо қоғозлар чиқариш учун рўйхатдан ўтишга, 18 та савдо шоҳобчаларимиз эса вилоят молия бошқармасидан рўйхатдан ўтиш учун ҳужжатларни топширган. Ана шу тадбирлар амалга оширилганидан сўнг иқтисодий имкониятларимиз янада кенгайиши ва ривожланиши турган гап.

— Республикамиз Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида бошқа соҳалар қатори «Ўзбекбирлашув» тизими ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Мазкур Фармон ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилаётир?

— Бу Фармон айни муддао бўлди. Уни халқимиз, хусусан, фермерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар катта мамнуният билан қарши олдилар. Биз эса зудлик билан бу Фармон ижроси йўлида тегишли чораларни кўраётирмиз. Фармонда йилнинг биринчи чорагидан деҳқон (фермер)лардан ва хусусий корхона эгаларидан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилувчи доимий ишлайдиган улгуржи ихтисослаштирилган бозорларни ташкил этиш зарурлиги уқтирилган эди. Биз ноябрь — декабрь ойларида барча туманларимиздаги улгуржи савдо омборларини ташкил этган эдик. Мазкур Фармон эълон қилинганидан сўнг ана шу омборларни улгуржи ва чакана ихтисослаштирилган дўконларга айлантирдик. Шундай қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ барча туманларимиз ана шундай доимий ишлайдиган, фермерлар, тадбиркорларнинг ҳожатларини чиқарадиган бозорларга эга бўлдилар.

Улгуржи ва чакана харид дўконларимиз барча шахсларнинг маҳсулотларини чекланмаган миқдорда қабул қилади. Қишлоқ хўжалиги, яъни чорва маҳсулотлари, чорва молларини топширувчилар билан нақд пулсиз, товар айрибошлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилади, уларни эҳтиёжларига қараб керакли товарлар билан таъминлаб боради. Хусусан, нақд пулларига эга бўлмаган хонадонлардан уларнинг маҳсулотларини қабул қилиб олиб, ўрнига зарур бўлган озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари билан таъминлайди. Уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатади. Бу бир томондан одамларнинг ҳожатлари чиқарилса, иккинчи томондан, миллий валютамиз қувватини оширишга хизмат қилади.

Абдужалил УМАРОВ суҳбатлашди.

Хонимлар ва Жаноблар!

Ріяш Савдо

магазини

Сизлар учун ҳар куни соат 10 дан 19 гача ишлайди.

Мода билан учрашинг!

ДЕМИР ФИРМАСИ

Манзилгоҳ:
Тошкент, Динмуҳаммад Қўноев (собиқ Саперлар) кўчаси, 25, Республика Модалар уйи (йўналиш - "Россия" меҳмонхонасининг рўпараси).

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ТУНГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Ҳар қандай мушкул юмуш биргалашиб бажарилсагина унинг барча қийинчиликлари ва ташвишлари осон енгилади. Шу боис ҳам халқ орасида «Бирлашган ўзар», «Қўлдан қўён қочиб қутулмас», деган нақллар тез-тез айтиладики, бу ҳамкорликнинг нақадар афзаллигидан далолат беради. Аммо афсус ва надоматлар бўлсинким, қанча-қанча хайрли ишларни уддалашга қодир, жамиятга, оиласига ҳар жиҳатдан ёрдам беришни эплайдиган бинойидек йигитларнинг ўзаро уюшган ҳолда жиноий тил бириктириб ўғрилик, талончилик ва босқинчилик каби ўта қабиҳ ишларни амалга ошираётганликлари кишини ташвишга солади. Ахир бу йўл уларни охир оқибат панжара ортига етаклаши, умрга доғ бўлиб тушиши тайин-ку!

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам уюшган жиноятчиликнинг жамият учун жуда хавфли эканлигини инобатга олган ҳолда жиноятнинг мазкур турига қарши аёвсиз кураш олиб бормоқдалар. Улар ўз фаолиятлари давомида бир қатор хавфли жиноятчилар тўдасини қўлга олиб, ушбу гуруҳларнинг қабиҳ кирдикорларини фош этдилар.

Масалан, яқинда Бухоро шаҳрида икки йилдан ортиқ муддатдан бери жиноий фаолият билан кўплаб фуқароларга жабру ситам кўрсатиб, қатор талончилик, босқинчилик ва ўғирлик жиноятларини содир этган 10 кишидан иборат жиноий гуруҳнинг иши ниҳоясига етди. Ўз ҳисобларига 25 талан зиёд оғир турдаги жиноятларни ёзиб олган бу ҳамтоқларнинг аксарияти ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, оила қурмаган йигитлардир.

Уларнинг баъзи корхоналарга бемаҳалда қўйган шум қадами туфайли не-не бегуноҳлар жабр кўрмади дейсиз. Улар 1993 йилнинг 24 июлига ўтар кечаси Моҳи хоса шаҳарчасидаги 12-автокорхонага тушишди. Бу шум қадамлар корхона ҳудудига шу қадар устамонлик билан кириб олишадики, ҳатто корхона қоровули уларни ўз оёқ-қўлига чилвир тушгандан сўнг сезиб қолди. Тунги меҳмонлар қоровулни калтаклаб, эсини оғдириб қўйишади. Шу йўл билан бу ердан автомобилларнинг эҳтиёт қисмларидан катта миқдордагисини олиб кетадилар. Ҳамтовоқлар орадан иккиуч ой ўтгач яна бир шундай корхонага тушишди. Пул, мол дунё илинжида кўпларни қақшатиб кетиш чўт бўлмай қолган бу «мустақил» йигитлар мазкур корхона қоровулининг ҳам бошига кўп ситамларни солади. Кишанда қолган қоровул бу ўғри-босқинчиларнинг корхонадаги «Москвич» маркали енгил автомашинанинг 5 дона баллонини ва бошқа кўплаб эҳтиёт қисмларни ўмариб кетишганини томоша қилиб қолади, холос. Мўмайгина пул бўладиган маҳсулотларни ўлжага олинган енгил машинага ортган қароқчилар бу молларни гуруҳ раҳбари Ўткир Маҳмудовнинг уйига туширишади. Мазкур ўғирланган машинани эса Бухоро шаҳридаги Авезова кўчасига ташлаб кетишади. Бу уларнинг жиноят изини йўқотиш мақсадида ўйлаб топган найранги эди.

Мана шундай қабиҳ ҳаракатларини давом эттирган жиноятчилар бир сафар деҳқон бозоридаги «Саида» тижорат дўконини «нишон»га олишади. Дўкон қоровулини тинчитгач, бу ердан ҳам катта «ўлжа» билан қайтадилар.

Нафс қурбонига айланган, кўчада кўринган ҳар бир нарса кўзига пул бўлиб кўринадиган бу такасалтанглар кўза кунда эмас, кунида синишини билмасмикан?! Зеро, мавриди келиб, шундай бўлди. Пинҳона содир этилган барча жиноий ишлар ички ишлар ходимлари томонидан бирин-кетин ошкор бўла бошлади. Айниқса, уларнинг давлатнинг, фуқароларнинг мулкига кўз олайтиришдан ташқари бегуноҳ кимсалар ҳаётига тажовуз қилишлари қонун бўйича оғир жиноят ҳисобланади.

Бухоро вилоятининг Когон тумани ички ишлар бўлими ходимлари 1995 йил арафасида яна бир жиноий гуруҳни фош этдилар. Маълум бўлишича, 1994 йилнинг 28 сентябрга ўтар кечаси юзига ниқоб кийиб олган номаълум шахслар Бухоро газ саноати қурилиши трестига қарашли базанинг икки қоровулини уриб, уларни қирқма милтиқ билан қўрқитиб, у ердан 7 минг 76 килограмм зангламайдиган оқ тунукаларни олиб кетганлар. Мазкур жиноят юзасидан олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир этган кимсалар аниқланиб, уларнинг уйидан ўғирланган оқ тунукалар ашёвий далил сифатида олинди. Аммо ушбу босқинчиликни содир этган саккиз киши аниқланган бўлишига қарамай, уларнинг тўрттаси терговдан қочиб юрибди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, бу жиноятчиларнинг ҳам узоққа кетолмаслиги, қилмишлари учун қора курсига ўтиришлари аниқ.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция лейтенанти.

Саломатлик

ДАРДГА МАЛҲАМ ЖОЙ

ҚАШҚАДАРЁ. Бухоро газни қайта ишлаш заводига қарашли санаторийнинг ташкил этилганига ўн йилдан ошди.

Шу вақт мобайнида бу ерда минглаб беморлар даво топди. Санаторий 50 ўринга мўлжалланган. Бир йилда 700 дан зиёд киши дам олиб, даволанади. Бу ерда асосан ер остидан чиқадиган шифобахш сув ҳамда ўндан ортиқ турли асбоб-ускуналар ёрдамида муолажалар олиб борилмоқда. Айни вақтда асаби чарчаган ва суяк бўғини касалланган беморлар даволаняптилар. Санаторий бош ҳакими Қурбон Фарҳодовнинг фикрига қараганда, келгусида бу шифо масканида бошқа касалликларни даволаш бўлими очилади.

Илҳом КАРОМОВ.

ТошДУнинг 75 йиллиги олдидан

ДУНЁ ТАН ОЛГАН ОЛИМ

Университетлар ҳозир ҳам йирик кашфиётлар, янгиликлар яратилаётган даргоҳ ҳисобланади. Бу бизнинг мустақил Узбекистонимиз дорилфунунларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Тошкент Давлат университети деганда бугунги кунда энг аввало, йирик математиклар ва физиклар, кучли биофизиклар ва генетик олимлар ҳамда археологлар ва антропологлар масканини тушунишади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда мазкур даргоҳда дунёвий фан ва янгиликлардан хабардор йирик олимлар гуруҳи ижод қилмоқда. Шундай олимлардан бири университетнинг қадимги дунё тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Тельман Ҳўжаевдир. У республикамиз халқлари тарихини ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш соҳасида катта илмий ва назарий ишларни амалга оширган йирик олим. Айни чоғда у тарих илмига салмоқли ҳисса қўшган, дунё миқёсида тан олинган йирик олим. У республикамизда биринчилардан бўлиб ижтимоий ва табиий фанлар орасида чегарадош ҳисобланган антропология фанини қайта тиклади ва уни ривожлантириб келмоқда. Олим 100 дан ошиқ илмий тадқиқотлар, 6 та монография, 5 та ўқув қўлланмаси, 3 та илмий оммабоп рисола ва 90 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Шунингдек, у Узбекистон халқлари тарихининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган — ўзбек халқи этногенези муаммоларини ўрганиш ва уни ҳал этишда муҳим ўрин тутган фан йўналишларидан бири ҳисобланган тарихий антропологиянинг республикамиздаги илк асосчиларидан.

Тельман Қосимович ўзининг илмий фаолияти даврида 270 дан ортиқ тарихий елгорликларни, туркий халқлар таркибида бўлган 50 дан зиёд уруғ ва этник гуруҳларнинг келиб чиқиши, шаклланиши тарихини, ўзбек халқининг антропологияси ва унинг келиб чиқиши тўғрисидаги бир қатор илмий йўналишларни ривожлантирди. Жумладан, олим ана шу тадқиқотлар натижасида Марказий Осиёнинг қадимги, ўрта асрлар ва ҳозирги замон аҳолисининг антропологик таркиби, этник гуруҳларнинг узаро алоқаларини аниқлаш, антропология асосида турли тарихий даврларда яшаган шахсларнинг ҳужжатли қиёфасини тиклаш, уларнинг қадимий тасвирий санъат намуналари билан таққослаш, антропологик изланишлар асосида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини тиклаш устида катта ишларни амалга ошириб, тарих фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Тельман Ҳўжаевнинг тарихий антропология йўналишида қўлга киритган илмий янгиликлари нафақат республикамиз ва Ҳамдўстлик мамлакатлари олимларини, балки Ғарбий Европа давлатлари олимларини ҳам қизиқтирмоқда. Жумладан, унинг «Тарихий антропология ва Урта Осиё халқлари этногенезиси» номли монографияси Италияда инглиз тилида чоп этилиш арафасида. Т. Ҳўжаев бугунги кунда Украина, Қарочой-Черкасияда бевосита уларнинг таклифи асосида иш олиб бориб, ўша ҳудудларда истиқомат қилган туркий халқлар антропологиясига оид бир қатор тадқиқотлар ўтказмоқда.

Олим ҳозирги кунда «Антропология ва Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши» илмий дастурига раҳбарлик қилмоқда. Бу мураккаб ва долзарб муаммони ўрганиш ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини янада, ойдинлаштирди. Олимнинг муҳим кашфиётларидан бири бу — Амир Темур қиёфаси ҳамда темурийлар даври ва келбатини замонавий янги илмий услублар асосида қайта ўрганганлигидадир. Бу тарихий-антропология соҳасида йирик кашфиёт бўлиб, олимнинг бир неча йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари натижасидир.

Профессор Тельман Ҳўжаев Марказий Осиёда муҳим фан ўчоғи бўлган Тошкент Давлат университетининг 75 йиллик ва тарих факультетининг 60 йиллик тарихий тўйи арафасида, мустақил Узбекистонимиз тарих фанининг жонкуярларидан бири сифатида янги-янги илмий тадқиқотлар олиб бориш билан биргаликда талабаларни мустақил мамлакатимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишида ўз куч- ғайратини аямасдан сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Раҳбар ХОЛИҚОВА, ТошДУ тарих факультети илмий тадқиқотчиси.

РАМАЗОН ОЙИ МУБОРАК!

«МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ»

Бугун бутун дунё мусулмонлари, шу жумладан Мустақил Ўзбекистон Республикамизнинг аҳллари муборак Рамазон ойига энг яхши туйғулар билан қадам қўядилар. Оллоҳга минг қатла шукурлар бўлсинки, улуғ мустақиллигимиз боиси халқимизнинг муқаддас урф-одатлари ва ибодатларига янада равонроқ йўл очиб берди. Бугун биз рўзномамиз муштарийларини яна бир хушхабардан воқиф қилаётганимиздан бахтиёрмиз. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси бугундан бошлаб ўзининг «зангори экрани»нинг 1 канали орқали «Муҳаммадур Расулуллоҳ» кўп серияли фильмини намойиш этишни бошлайди. Ушбу кинотасма Миср Араб Республикаси телевиденисининг Ўзбекистон телетомошабинларига аталган ажойиб туҳфасидир. **Шу муносабат билан Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот бюроси раиси жаноб Магди Дайф мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:**

— Аввало Ўзбекистон меҳнаткашларини муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан самимий мубораксод этаман. Бундай қутлуғ айёмларда «Муҳаммадур Расулуллоҳ» 30 қисмдан иборат тарихий фильмини ўзбек тилида жумҳуриятингиз томошабинларига намойиш этилиши Миср ва Ўзбекистон ўртасида тобора ривожланиб бораётган маданий алоқаларимизнинг ёрқин бир ифодасидир. Бу соҳадаги ҳамкорлик мамлакатингиз Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилда Мисрга давлат сафари билан борган чоғида имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Миср томонининг ана шу кинотасмасини ўзбек томошабинларига тақдим этилишида бир рамзий маъно борки, у ҳам бўлса ўзининг азалий, инсоний қадриятларини изчиллик билан тиклаётган ўзбек халқига унинг бу борадаги интилиши ва умидлари, билим ва маънавияти янада юксакроқ чўққига эришувида ушбу лентанинг ҳам хизмати катта булади, деган умиддамиз. Зеро, ушбу фильм халқларимизнинг муштарак тарихидан ҳикоя қилгусидир.

Фильмда Мисрнинг бир қатор кино усталари ва кино юлдузлари иштирок этганлар. Улар орасида Омина Ризқ, Абдулла Ғийз, Ҳамдий Ғийз, Муҳаммад Дафравий, Санъа Мазҳар ва бошқалар бор. Фильм мусиқаси ва диний қўшиқларни Йасмин Ал—Хаййам ижодига мансуб бўлиб, у айни чоғда Мисрнинг энг машҳур ва йирик санъат арбоби ҳамдир.

«Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильми ўзбек томошабинларида яхши таассурот қолдиришига ишончимиз комилдир. Қутлуғ Рамазон ойи ҳаммамизга муборак бўлсин ва улуғ ниятларимиз амалга ошишида Оллоҳ таолонинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Рўза тутишнинг саҳарлик ва ифторлик вақтлари

(Тошкент вақти билан)

Февраль Март	Ҳафта кунлари	Саҳарлик соатгача	Ифторлик соатда
1.	чоршанба—	5.55	17.43
2.	пайшанба—	5.55	17.44
3.	жума—	5.54	17.46
4.	шанба—	5.53	17.47
5.	якшанба—	5.52	17.48
6.	душанба—	5.51	17.49
7.	сешанба—	5.50	17.51
8.	чоршанба—	5.49	17.52
9.	пайшанба—	5.48	17.53
10.	жума—	5.47	17.54
11.	шанба—	5.46	17.56
12.	якшанба—	5.45	17.57
13.	душанба—	5.44	17.58
14.	сешанба—	5.42	17.59
15.	чоршанба—	5.41	18.01
16.	пайшанба—	5.40	18.02
17.	жума—	5.39	18.03
18.	шанба—	5.38	18.04
19.	якшанба—	5.36	18.06
20.	душанба—	5.35	18.07
21.	сешанба—	5.34	18.08
22.	чоршанба—	5.32	18.09
23.	пайшанба—	5.31	18.10
24.	жума—	5.30	18.12
25.	шанба—	5.28	18.13
26.	якшанба—	5.27	18.14
27.	душанба—	5.25	18.15
28.	сешанба—	5.24	18.16
1	чоршанба—	5.22	18.18
2.	пайшанба—	5.21	18.19

Абдулла Турдиев камсуқум ва камтарин инсон. Шунданми каттакичик ижодий гурунгларда ҳам шоирлик даъво қилмайди. «Гоҳ кўнгил тўлиб кетса қоғоз қоралаб қўяман» дейди қимтиниб. «Китобингиз чиқаётганмиш» — сўраймиз ҳазил аралаш «Ҳа, энди элликни тўлдирдик, насиб этса...» деб жавоб беради.

ТИРИКЛИК МАНГУДИР

Хумо қуши қўнган дарахт — шеърият,
Унга юрагимни осиб яшайман.
Майли, фидо бўлай — фақат шу ният,
Шеърларим бағримга босиб яшайман.

Дардчил туйғулардан чўпдек озаман,
Қаламим оғриқни тортади бирга.
Гоҳо тушимда ҳам шеърлар ёзаман,
Уйғониб, чопаман шудрингла қирга.

Юлдузлар мастона қўшиқлар айтса,
Ойга бошим тегиб, ёниб тинглайман.
Отам — ҳоки туроб, тиригу қайтса,
Руҳини ёд олиб, бағрим тиғлайман.

«... — Ҳали кўзим очиқ — омонат жонман,
Кўрсам — армоним йўқ... Китобинг чиқса!
Умрим интиҳода, ҳеч бундан тонмам...» —
Не бўлгум — онамни шу армон йиқса.

Ҳасаддан йироқман, ҳасад — бу кўрлик.
Кўрни етаклагай таёғи фақат.
Бисёрдир дўстларим — ифори турлик.
Улардан кўрмадим заррача шафқат.

Кетсам ҳам танилмай сўнгги йўлимга,
Оллоҳни ёлғизим — ҳақ деб юрибман.
Тириклик мангудир бундай ўлимга,
Умримнинг давоми — Халқ деб юрибман.

ПАЙМОНА

Бир синоат қачон, билмам, оҳ,
Паймонаман— бир кун тўламан.
Муҳаббатим — фаришта гуноҳ —
Мен ГУЛни қучоқлаб ўламан!

ХИВАГА САЁҲАТ

Ўзбекистоннинг энг кўҳна, тарихий обидаларга бой ва гўзал шаҳарларидан бири саналмиш Хива саёҳатчиларнинг севимли гўшаларидан. У ўзининг 2500 йиллик тўйига тайёрланмоқда. Ана шу унутилмас шодиёнага тўёна сифатида «Ўзбекистон» нашриёти «Ўзбек-Ремакса» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ранг-баранг суратларга бой «Хива»китоб-альбомини нашрдан чиқарди.

Китобни қўлга олиб, варақлашингиз биланоқ,саҳифаларидаги ранг-баранг суратлар сизни кўҳна шаҳарга саёҳатга чорлайди. Бир-биридан гўзал обидалар, пурвиқор миноралар, моҳир усталарнинг сеҳрли қўлларидан жило топган нақшиндор дарвозалар, мисгарлик ва кулолчилик буюмлари... Улар Хиванинг рамзи. Бу шаҳарнинг тарихи жуда узоқ. Жуда қадимги афсоналардан бирида таъкидланишича, шаҳарнинг асос солинган вақти тарих солномалари ёзилмасдан илгариги, қўҳна замонларга бориб тақалади. Гўё Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом уни қалъа шаҳар сифатида бунёд этган эмиш. Шаҳар бунёдкорлари чанқаганларидан кейин чуқур бир қудуқ қазиганлар. У қудуқдан чиққан сув жуда хуштаъм бўлган. Уни ичган кўчманчилар: «Ҳай-воҳ», деб юборишган эмиш. Ривоят қилишларича, шаҳарнинг номи гўё мана шу ҳаяжонли сўзлардан келиб чиққан экан.

Арабларнинг X асрга оид жуғрофий асарларида ҳам Урганч билан Марв ўртасидаги карвон йўлида жойлашган қўҳна шаҳар Хиванинг мавжудлиги айтилган. Бу шаҳарда жаҳонга алгебра (алжабр) ва алгоритм фанини берган буюк математик Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Алҳоразмий, қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт оламида машҳур олим Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Оғаҳий, Мунис Хоразмий сингари кўплаб алломалар, фан ва маданият дарғалари яшаган, ижод қилган.

Китоб-альбомни варақлаймиз. Араб Муҳаммадхон мадрасаси (1616 йил), Жоме масжиди ва Анушахон ҳаммоми, Саид Аловуддин мақбараси билан Боғбонли масжиди (XIV аср), Хурҳун мадрасаси (1688 йил), Шерғозихон мадрасаси (1719—1726 йиллар), ўзининг беқиёс гўзаллиги, ноёб меъморчилик ёдгорлиги кишини мафтун этади.

Китобда ҳозирги замонавий Хива шаҳрининг қиёфасига ҳам кенг ўрин берилган. Гиламчилик комбинати, мактаблар, ўзига хос бозори, устахоналари, халқ санъати намояндаларининг суратлари ҳам китобдан муносиб ўрин олган.

«Хива» китоб-альбомини яратишга архитектура доктори, шарқ мамлакатлари меъморчилик академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор П. Зоҳидов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Р. Х. Аванесов, рангли сурат усталари Р. Сафоев, А. Зуев, С. Наследов, В. Клепко ва Р. Яруллaнлар катта ҳисса қўшганлар.

Р. ЖАББОРОВ.

Спорт

«НУРАФШОН» ҒАЛАБАСИ

Москвада МДҲ чемпионлари кубоги учун анъанавий футбол мусобақаси бошланди. Ўзига хос халқаро учрашувда 12 жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашади. Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси футболчилари бу сафарги мусобақада мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилишмоқда. Улар «Д» гуруҳида «Шахтёр» (Донецк), «Широқ» (Арманистон) ва «Флора» (Таллин) жамоалари билан баҳслашадилар. Бухоролик футболчилар дастлабки учрашувни «Флора» жамоаси билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тўпларни Михаил Фомин билан Олим Тиллаев дарвозага йўллашди. Бугун «Нурафшон» «Широқ» жамоаси билан майдонга тушди.

ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАЙДИГАН БЎЛДИ

Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари Осиё чемпионлари кубоги учун курашнинг ярим финал ўйинларидан қуруқ қайтишмайдиган бўлди.

Футболчиларимиз дастлабки учрашувни Таиланднинг «Бангкок» жамоаси билан ўтказиб, имкониятни бой беришганди. Уларнинг 3-ўрин учун Жанубий Корея футболчилари билан учрашуви ҳам қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Фарғоналик Бозоров киритган ягона тўп ғалаба келтирди. Шундай қилиб «Нефтчи» Осиё чемпионлари кубоги учун курашда учинчи ўрин билан қаноатланди.

Ғаройиб дунё

ИНСОННИНГ ГУЛЛАГАН ДАВРИ

ХРИСТИАНЛАРНИНГ айтишларича, 33 еш — инсон умрининг айни гуллаган пайти экан. Бизда 63 еш Пайғамбар еши ҳисоблангани каби уларда 33 еш Христос еши ҳисобланади. Ҳўш, инсоннят айни шу гуллаган пайтида нималарга эришган экан-а? Маълум бўлишича, кўп нарсага. Масалан, Владимир Ленин — 33 ешида большевиклар партиясини тузган.

Екатерина Великая — рус императорлигини қўлга киритади.

Альферд Нобель — динамит кашф этган.

Фидель Кастро — Куба Бош вазири бўлган.

Генри Форд — ўзининг биринчи автомобилини ясайди.

Емельян Пугачёв — қўзғолон кўтаради.

Бироқ амриқолик олим, Калифорния технология олий билимгоҳи ўқитувчиси Кард Андерсон 26 еш эркак кишининг энг гуллаган даври, деб билади. Негаки, у машҳур инсонлар ҳаётини таҳлил этиб, шу қарорга келади.

Унинг таъкидлашича, А. Македонский ҳудди шу ешида жаҳонни забт эта бошлаган. В. Шекспир эса ўзининг биринчи йирик асарини ёзган. Леонарда Да Винчи мўйқалам устаси деб тан олинган. У. Черчиль парламент аъзоси бўлган.

ШВЕЙЦАРИЯЛИКЛАР ЎЗИГА ТЎҚ

ҚУПҚИЛИҚ бугунги кунда японлар, амриқоликларни бойвачча халқ деб билади. Негаки, улар орасида миллионерлар кўп, ҳатто миллиардерлар ҳам. Бироқ Бутунжаҳон банки тарқатган маълумотномага кўра, бугунги кунда энг ўзига тўқ халқ японлар эмас, ёки амриқоликлар ҳам эмас, балки швейцарияликлар экан. Негаки, Япония ва амриқоликлар орасида камбағал-бечоралар ҳам талайгина. Швейцарияда эса йўқ ҳисоб. Йоханнесбургда чиқадиган «Ситезен» газетасида ёзишларича, 1993 йилда ҳар бир швейцарияликнинг ўртача даромади 36410 АҚШ долларини ташкил этган.

Халқнинг ижтимоий яхши таъминланганлиги ва миллий даромади жиҳатидан иккинчи ўринда Люксембург (35850 доллар), учинчи ўринда эса Япония (31450 доллар) туради. Сунг рўйхат қуйидагича давом этади: Дания (30510), Норвегия (26340), Швеция (24830), АҚШ (24750), Исландия (23620), Германия (23500), Қувайт (23350), Австрия (23210), Бирлашган Араб Амирликлари (22470) ва Франция (22360).

Маҳсулот харид қилиш бўйича люксембургликлар дунё бўйича биринчи ўринда туришаркан. Сунг амриқоликлар.

Сайёрамизда энг камбағал мамлакат — Мозамбик экан. 1993 йил бу ерда ҳар бир мозамбикликнинг ўртача даромади 80 долларни ташкил этган холос.

«Ситизен» газетаси яна шуни маълум қиладики, энг узоқ умр кўрувчилар японлар экан, яъни бу ерда ўртача умр кўриш 79 еш. Сунг Канада, Гонгконг, Исландия, Швеция ва Швейцария мамлакатлари аҳолиси ўрин эгаллаган. Амриқоликлар эса бугунги кунда ўртача 77 йил яшамоқда. Гвинея — бисауликларнинг эса ҳозирча шўрига шўрва тўкилган — уларнинг ўртача умр кўриш даври 39 йил, холос.

Дарвоқе, Япония болалар ўлими бўйича энг охирги ўринни эгаллайди, яъни мингтага бешта. Бу борада Афғонистон билан Мозамбик етакчилик қилишмоқда — мингтага 162 та.

Бутунжаҳон банки президенти Луис Престолнинг эътироф этишича, XX асрнинг иккинчи ярмида инсониятнинг ўртача умр кўриш даври башарият тарихида мисли кўрилмаган даражада ўсган.

Ҳажвчи дафтаридан

«АҚЧА»МИ, «КЎКЧА»?

Ё, қудратингдан, бу бозор иқтисоди деганлари зап ғалати жараён экан. Ҳар ким ҳар ёққа шошган. Борадиган жойи ҳам, келадиган жойи ҳам аниқ. Бозор! Гўё одамларнинг ризқ-рўзи бозорга сочилгандай. Шаҳар—бозор, саҳро — бозор. Кўп жойларда наҳордан саҳаргача бозор. Дастлаб бунга ўнчалик қўника олмадик. Кейинроқ ола дўппини тиззанинг кўзига илиб, бундай ўйлаб қарасак, бозор деганлари нарх-наво ўлчови, сифат кўзгуси экан. Моли семизнинг оёғи олти бўларкан.

Хуллас, бозор — фаровонлик мезони, бозор йўли — ишбилармонлик, тадбиркорликнинг ойдин йўли экан. Яна-чи, ана шу ойдин йўлда дадил, қоқилмасдан юриш учун «бўрининг оёғи боқади» деган нақлга амал қилиб, нукул оёққа зўр беришнинг ўзигина етарли эмас. Биринчи навбатда бошни, ҳа-ҳа, каллани ишлатишга тўғри келади.

Бундан икки йилча аввал ранги заҳилгина, гавдаси увоққина бир танишим бор эди. Эски челак, чўлтоқ супурги кўтариб, фаррош аёлларга эргашиб, уни қилингиз, буни қилингиз, дея иш буюриб юрарди. Ўтган кетганга эгилиб, қўлингизни анчагача қўйиб юбормасдан, узоқ ҳол-аҳвол сўрарди. Танишлари орқаворотдан уни «Ҳусантой» деган лақаб билан олқашарди. Ҳусантой нимаси биландир тойчоққа ҳам ўхшаб кетарди. Охирги пайтлар кўринмай қолди. Танишбилишлардан сўраган эдим, Ҳусантой ўзини тижоратга урган дейишди. Нима ҳам дердик, Ҳозир икки яшар гўдак ҳам «Суска»ни «Жевачка»га бартер қиляпти, деса ишонаверинг. Бироқ, ҳар ким ўзига ярашган нарсаси билан тижорат қилса бўлурди. Така мўйлов қўйган давангирдай йигитлар «Кеп қолинг, сийнабанднинг французскийси бор» дея қичқириб отчопарни ларзага солса, тижоратчи дўхтир биродаримиз амриқоча сигаретани мақтай-мақтай пулласа, оқ рўмол ўраган пўрим онахонлар тилида калимайи шаҳодати билан хитойча елим идишли ароқни ортиқчасига пулласа... бошқалардан нима гина. Начора? «Сабаби тирикчилик» дейишади...

Дарвоқе, гап Ҳусантой ҳақида кетаётган эди. Кеча Олой бозорда одамлар гавжум жойда унга кўзим тушиб қолди. Ёпирай, танимай қопман: эгнида италёнча куртка, оёғида германча саламандра, бошида ёқутча жайра телпак, ўнг қўлида «Тойота»сининг калити, оғзида амриқоча хушбўй сақич... дарвоқе, оғзи... оғзини «сберкасса» дейсизми, «монетний двор» дейсизми, ярақлатиб, атрофга нур таратиб келяпти... Мени кўрди-ю ўзини танимаганга олиб, четга бурилиб кетди. Жиндай алам қилди. Лекин ўзимга таскин бердим: «Биз ким бўпмиз ўзи, оддий бир қаламкаш-да. Салом бериб, ҳол-аҳвол сўраш учун ҳам вақт керак. Бизнесменлар учун «вақт-пул» дегани». Ҳар қадамда менга ўхшаган «қаланғи-қасанғи»ларга салом бериб, эзмаланиб ҳол-аҳвол сўрайверса бозор тугаб қолиши мумкин. Вақтини қизғанса енгил бош силкиб қўйса ҳам бўларди-ку? Э, шуни ҳам ўйлаб ўтираманми, бош ўзиники, силкиб қўйиш ҳам ўз ихтиёрида. Ҳуда-беҳудага бошини силкийверадими?..»

Шу хил хаёллар билан бозор дарвозасига етиб қолган эдим, «Ниғмат ака, буларга бир нима деб қўйинг!» деган таниш овоз эшитдим. Қарасам, Ҳусантой. Фуқароча кийинган икки киши икки қўлтиғидан олишган, ёнида мелиса, Уни судраб кетишаркан у ялина бошлади, «Ишонмасанглар, ана акамлардан сўранглар» деди мен томонга им қоқиб. Очиғи, бу гал мен ҳам бошимни тескари бурдим. Чунки, бош ўзимники эди.

Улар сал нариоқ кетишгач, одамлардан нима гап. деб сўрадим. Кўринишидан қаршилик ё бухороликка ўхшаш сур телпакли киши:

— «Кўкча» билан савдо қилаётган экан», бечорани ушлаб кетишди, — деди.

— Кўкчаси нима?

— Ўббо, акам-э, акам, мунча содда бўлмасангиз, «Кўкча» — дўллар дегани...

Силкиш ўёқда турсин, афсус ва надомат билан бош чайқадим.

«Оббо, Ҳусантой тушмагур-эй, ўз ақчамиз камлик қилиб, ўзини «Кўкча»га урган экан-да...»

Орқадан аллаким:

— Ҳов, ока, юрмийсизми? — дея қичқирди, — ахир бу ер томоша зали эмас, бозор-ку!

Бир сесканиб, ўзимга келгандай бўлдим. «Дарвоқе, бозордаман-ку!..»

Неъмат АМИНОВ.

Луқма

УЙЛАРИМИЗ ИСИРМИКАН?

Ҳозирги аёзли кунларда Тошкент вилоятининг Красногорск шаҳрида истиқомат қилувчиларнинг ичларига чироқ ёқса ҳам ёримай турибди. Чунки, қишдан чиқиб олиш учун 5 тонна қорамой зарур. Маълум бўлишича, бундай ёнилғини келтириш учун маблағ керак экан. Бунинг учун кончилар бутун умидни ҳокимликка боғлашмоқда.

Яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса шаҳарга газ келтирилмаган хонадонлар балонли газдан фойдаланиб келишарди. Бундай ёнилғи эса Россиядан келтириларди. Афсуски, 6 ойдан бери газ баллонларидан дарак йўқ. Ваҳолонки, шаҳарда 15 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳар қалай марказий иситиш тизимини ишга солиш, хонадонларда «зангори олов»ларнинг порлаши учун бундай муаммоларни ҳал этиш долзарб бўлиб турибди. Акс ҳолда кончиларнинг оилалари, хусусан, мактаблар ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида аҳвол танг бўлиши табиий.

П. СИЛИН.

Сирдарё туманидаги Синдоробод жамоа хўжалиги иссиқхонасида қишин-ёзин мева-сабзавот етиштириш йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда сархил лимонлару помидор ва бодирингларни йиғиштириб олиниб, пешма-неш харидорларга етказиб берилмоқда. Хўжалик меҳнаткашлари режага қўшимча яна 40 тонна лимон етиштиришни мўлжаллашган. Маҳсулотнинг асосий қисми республика истеъмолчиларига, бир қисми эса мол айирбошлаш эвазига четга чиқарилмоқда.

СУРАТДА: иссиқхона хўжалиги ишчиси Ҳалима Сахулина.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Табобат оламида

ДАРДИНГИЗ СУВГА КЎЧГАНДА...

Халқимизда тушиннгни сувга айт, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Қолаверса, шарқираб оқаётган сой, сокин манзилга интилаётган дарё бўйида сувга тикилиб ўтирган кишининг кайфияти созланиши, руҳиятида енгиллик пайдо бўлиши сир эмас. Муҳими шундаки, бугунги кунда бу нақлнинг маъноси илмий жиҳатдан ечилмоқда. Келинг, яхшиси, воқеани бир бошдан бошлайлик.

Ҳозирги кунда халқ табиблари, афсунгарлар, қўл текизиб-текизмай даволаётган экстрасенслар шунчалик кўпайиб кеттанки, улар билан учрашиш ва шифо топиш олдидан бироз эҳтиёткорлик қилинмаса, бўлмайдиган бўлиб қолди. Зеро, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа табобат оламида янгилик дейиш мумкин. Немис олими Рейнхард Фоль кашф этган даволашнинг янги усули тобора оммавийлашиб бормоқда. Бу шифокор шарқона даволаш усулларини замонавий тиббиёт асослари билан уйғунлаштирди.

Маълумки, Хитой, хусусан, Тибетда қадимий даволаш усуллари тажрибадан ўтказилган. Жумладан, инсон танасидаги қувватбахш нуқталарни таъсир ўтказиш билан ҳаракатга келтириш беморнинг касалликка қарши имкониятларини кенгайтиришга йўл очади. Немис олими эса ана шу нуқталарнинг фаолияти ва имкониятларини электр ёрдамида ўрганиш ва ўлчаш мумкинлигини исботлади. Унинг таъбири билан айтганда, ҳар бир кишининг бақувват, касалликка чидамли бўлиши инсон танасидаги ўша қувватбахш нуқталарда йиғилган ўзига хос заҳирага боғлиқ экан.Хусусан, инсон дардга чалинганда, айниқса, касаллик зўрайган онларда «қувватнинг ортиқлиги», ва айни пайтда шамоллаш билан боғлиқ сурункали дардмандликда «кам қувватлик» намоён бўларкан. Олим ўзи кашф эттан — ашпарат ёрдамида ана шу қувватларнинг электр токига таъсирини кузатган ва унинг ёрдамида беморнинг ҳолати ҳақидаги ахборотларни ўлчаш мумкинлигини аниқлаган. Шундай қилиб, олим инсон танасидаги қувватбахш нуқталарни янгича ном, яъни ЭАП(электроакупунктур) деб атади. Одам танасидаги бундай ўзгаришларни олим кашф эттан йўл билан аниқланиши ҳар бир касалликка ташхис қўйиш, уни даволашда кенг имкониятлар очмоқда.

Янгича усул хосияти билан қувватбахш нуқталар ёрдамида эндигина бошланаётган касаллик ёки муддати ўтиб, ҳали иситмаси ошкор қилмаган дардларнинг олдини олиш мумкинлиги исботланмоқда. Олимнинг танамиздаги 400 дан кўпроқ қувватбахш нуқталар билан «муомала қилаётгани» таҳсинга лойиқ. Олим изланишларини давом эттириб, ўзи даволаётган ҳар бир бемор ҳақида, хусусан, қувватбахш нуқталардаги ўзгаришлар тўғрисида алоҳида оҳангграбо тасма ғалтакларини тайёрлаб қўйган. Уларда беморларнинг фаолияти, уларга таъсир қилаётган турли микроб ва вируслар, микроорганизмлар, аллергия қўзғатувчилар, қолаверса, саноат ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли заҳарли моддалар ҳақидаги маълумотлар акс эттан. Қизиғи шундаки, беморлар ўз ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни мухтасар қилиш учун таҳлилар топшириб юришдан ҳоли бўлишди. Олимнинг тавсияси билан беморга ёзиладиган дори-дармонларнинг соғлиқни мустаҳкамлашда қанчалик ижобий ва салбий таъсир қилишини ҳам олдиндан аниқлашга имкон топмоқда.

Немис олимига юқорида биз баён эттан оҳангграболи тасма ғалтакларидаги маълумотлар ҳам камлик қилгандай, беморнинг ҳолати ҳақидаги ахборотларни электр оҳангграболи тўлқинлар ёрдамида бир манбадан иккинчи манбага ўтказиш мумкинлигини аниқлади. Бу борада сувнинг олдига тушадигани йўқ экан. Кашф қилинишича, бундай усулда сувга таъсир ўтказиш обиҳаётнинг хосиятини ошириб, унинг «хотирлаб» қолишига йўл очаркан. Айни пайтда шу йўл билан турли дори-дармонларнинг таъсир кучини ҳам сувга ўтказиб қўйиш мумкин экан. Ана шу тариқа «зарядланган» сув ёки фаол биологик суюқлик юзага келади. Бундай суюқлик инсон танасига киргач, «ўз ишини» билиб қиларкан. Олдиндан дастурлангани учун танамизнинг турли аъзоларидаги хасталикларни бартараф этади, шифо бериш, қувватимизни ошириш, қолаверса, турли заҳарли моддаларни қувиб чиқаришда жонимизга оро кираркан. Шунингдек, одамнинг ҳар хил касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади...

Тошкентда бир аёл бор. У кишини Нейла Эркиновна Жумаева, деб аташади. У шифокор бўлиб, юртимизда немис олимининг табобат оламида бошлаб берган усулини қўллаётган биринчи шифокорлардан. Кимда-ким дори-дармонлар танқис бўлиб турган бир пайтда ҳеч қандай қийинчиликсиз, жарроҳлик аралашувисиз шифо топишни истаса, бу шифокор аёлнинг «Ибн Сино» деб номланган кичик корхонасига мурожаат қилишлари мумкин. Н. Жумаева Абдулла Тўқай кўчасидаги 85-уйда кишиларни турли дарддан фориг қилишда немис олимига хос шифо бериш усулини самарали олиб бормоқда.

— Бошлаган ишимиз чакки эмас, — дейди Н. Жумаева. — Одамлар шифо топишмоқда. Турли хасталикларнинг олди олинмоқда. Ҳатто юқумлик касалликлар ҳам бартараф этиляпти. Фақат ишимизга бир нарса халақит қиляпти, у ҳам бўлса, жойнинг торлиги. Қанийди, юртимизнинг тадбиркору ишбилармонлари хомийлик қўлларини чўзишса, нур устига аъло нур бўларди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Урганч қурилиш материаллари заводи ҳиссадорлик жамияти жамоаси мазкур заводнинг собиқ директори Урганч шаҳар фахрийлар кенгаши раиси

Юсуф ШЕРЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0004, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.00

1 2 3 4 5 6.